
«Меҳр-саховат» кўкрак нишонилари ўз эгаларига топширилди

Жорий йилнинг 26 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан «Меҳр ва саховат» кўкрак нишони таъсис этилганди. Давлат раҳбарининг мазкур ҳамда «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида туманимиздаги маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимида фаолият олиб боровчи ходимлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва бир қатор ўринбосарлари мазкур кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Бугун Тошлоқ тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирда 74 нафар фидойи инсонларга кўкрак нишонлари топшириш маросими ташкилланди. Кўкрак нишонларини Хотин-қизлар масалалари бўйича вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси Д.Эргашева йиғилганларнинг олқишлари остида эгаларига топширди.

2020-11-04 18:00:09